



МАЖБУРИЯТНИ ҚИСМЛАРГА БЎЛИБ БАЖАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Паянов Одил Жумаевич

Ҳуқуқ магистри

Аннотация: Ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятни қисмларга бўлиб бажариш институтининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Хусусан, бўлинадиган ва бўлинмайдиган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусиятлари, мажбуриятни қисман бажаришнинг комплекс мажбурият таркибидаги алоҳида ҳаракатлар ҳамда тўлиқ бутланмаган товарни топшириш ҳолатларидан фарқи ёритилади. Шунингдек, битта шартномавий муносабат доирасида вужудга келадиган асосий ва қўшимча мажбуриятларни бажариш масалалари, асосий қарз, фоиз ва неустойка ўртасидаги ҳуқуқий нисбат таҳлил қилинади. Мақолада кредиторнинг қисман бажаришни қабул қилиш ёки уни рад этиш ҳуқуқининг ҳуқуқий табиати ҳамда мазкур ваколатнинг мажбуриятни лозим даражада бажариш принципи билан боғлиқлиги асослантирилади. Тадқиқот натижасида мажбурият предметининг бўлинадиганлиги билан уни қарздор томонидан бир томонлама равишда қисмларга бўлиб бажариш ҳуқуқи ўртасидаги фарқни аниқ белгилаш зарурлиги тўғрисида хулосалар илгари сурилади.

Калит сўзлар: мажбурият, мажбуриятни бажариш, қисман бажариш, қисмларга бўлиб бажариш, бўлинадиган мажбурият, бўлинмайдиган мажбурият.

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларни таснифлашнинг кенг тарқалган мезонларидан бири уларни бўлинадиган ва бўлинмайдиган мажбуриятларга ажратиш ҳисобланади. Бундай таснифнинг асосида, аввало, мажбурият предмети ва унинг ижросини қисмларга ажратиб амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ётади. Шу маънода, бўлинмайдиган мажбурият деганда уни қисмларга бўлиб бажариш объектив жиҳатдан мумкин бўлмаган мажбурият тушунилади. Масалан, муайян автомобилни мулк қилиб топшириш мажбуриятини мазмунан бир неча мустақил қисмларга ажратиб ижро этишнинг имкони мавжуд эмас. Бу каби ҳолатлар ФКнинг 88-моддасида назарда тутилган бўлинмас ашёлар ҳақидаги қоидалар билан ҳам боғлиқдир.

Бўлинмайдиганлик, бунда, субъектив хоҳиш ёки тарафларнинг келишувига эмас, балки мажбурият предметининг объектив хусусиятларига боғлиқ бўлади. Масалан, муайян тасвирий санъат асарини



жисмоний жиҳатдан бўлиб топшириш унинг яхлитлиги ва қийматига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли бундай ашёни топширишга қаратилган мажбурият ҳам, одатда, бир бутун тарзда ижро этилиши лозим бўлади. Демак, мажбуриятнинг бўлинмаслиги унинг предметини зарар етказмасдан ёки ҳуқуқий мазмунини ўзгартирмасдан қисмларга ажратиб бўлмаслиги билан изоҳланади.

Бўлинадиган мажбуриятлар эса, аксинча, ўз мазмунига кўра қисмларга ажратиб бажарилиши мумкин бўлган мажбуриятлардир. Масалан, муайян суммадаги пулни тўлаш мажбурияти бир йўла тўлиқ эмас, балки бир неча қисмларга бўлиб бажарилиши мумкин. Бундай мажбуриятларнинг ўзига хос томони шундаки, уларни ижро қилиш фақат бир марталик ягона ҳаракат шаклида эмас, балки вақт жиҳатидан бир-биридан ажратилган бир нечта ҳаракатлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Шу боис бўлинадиган мажбуриятларда ижронинг қисмийлиги мажбурият предметининг табиатига зид бўлмайди.

Бироқ мажбуриятни қисман бажариш тўғрисидаги қоидаларни тўғри қўллаш учун уни ташқи жиҳатдан ўхшаш, аммо ҳуқуқий табиати бўйича фарқ қиладиган бошқа ҳолатлардан ажрата билиш муҳим аҳамиятга эга. Юридик адабиётларда бу масалага асосли равишда эътибор қаратилган. Хусусан, қарздорнинг ягона, аммо мураккаб мазмунга эга мажбуриятни бажариш учун кетма-кет бир қатор ҳаракатларни амалга ошириши ҳар доим ҳам мажбуриятни қисмларга бўлиб ижро этиш ҳисобланмайди.

Бу ерда гап шундаки, баъзи мажбуриятлар ўз табиатига кўра бир нечта турли ҳаракатларни қамраб олади ва уларнинг йиғиндиси мажбуриятнинг тўлиқ ижросини ташкил этади. Бундай ҳолатда ҳар бир ҳаракат мустақил равишда қисман ижро эмас, балки ягона комплекс мажбуриятнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ушбу ҳаракатларнинг ҳар бири қонунда, шартномада белгиланган муддатда ёки тегишли ҳаракатнинг моҳиятидан келиб чиқадиган вақтда бажарилиши лозим. Масалан, ижарачининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш ва лозим ҳолатда ушлаб туриш мажбурияти бир неча турдаги доимий ёки даврий ҳаракатларни қамраб олиши мумкин. Аммо бу ҳаракатларнинг ҳар бирини алоҳида қисман “ижро” сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди.

В.П. Грибанов комплектланмаган товарни етказиб беришни маълум даражада қисман ижро ҳолатига яқин деб ҳисоблаган. Бироқ олим бу фикрни мутлақ маънода эмас, балки “маълум даражада” деган шарт билан илгари сурган. Бу эса унинг ўзи ҳам комплектланмаган товар етказиб бериш билан шартномага мувофиқ бўлмаган қисман ижрони айнан бир хил ҳуқуқий ҳодиса деб ҳисобламаганини кўрсатади. Фикримизча, мазкур



икки ҳолатни ўзаро фарқлаш ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ асослидир.

Бундай фарқ аввалги қонунчиликда ҳам, амалдаги ФКда ҳам яққол намоён бўлади. Хусусан, илгари амал қилган Ўз ССР ФКнинг 264-моддасида ҳам, ҳозирги қонунчиликда ҳам шартномага мувофиқ бўлмаган қисман ижрони таклиф қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари билан комплектланмаган товарни топшириш оқибатлари бир хил тартибга солинмайди.

ФКнинг 413-моддасига мувофиқ, агар сотувчи харидорга бут бўлмаган товарни топширса, харидор, биринчи навбатда, ўз танловига кўра икки хил талабдан бирини қўйиши мумкин: товарнинг харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилиш ёки товарни оқилона муддат ичида тўлиқ бутлашни талаб қилиш. Демак, бут бўлмаган товарни топшириш ҳолатида харидор дастлаб шартномадан дарҳол чиқиш эмас, балки товардаги мавжуд камчиликни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий воситалардан фойдаланади.

Фақат сотувчи сотиб олувчининг товарни оқилона муддатда тўлиқ бутлаш ҳақидаги талабини бажармаган тақдирдагина харидорнинг ҳуқуқий имкониятлари кенгайди. Бундай вазиятда сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра комплектланмаган товарни бут бўлган товарга алмаштиришни талаб қилиши ёки олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортиб, тўланган пул суммасини қайтаришни талаб қилиши мумкин. Шу боис бут бўлмаган товарни етказиб беришда шартномадан бош тортиш ҳуқуқи дарҳол эмас, балки сотувчига ҳуқуқбузарликни бартараф этиш имконияти берилганидан ва бу имкониятдан фойдаланилмаганидан кейин юзага келади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бут бўлмаган товар етказиб беришнинг ҳуқуқий режими айрим жиҳатларда кредитор учун шартномага номувофиқ тарзда таклиф этилган қисман ижрога нисбатан камроқ қулай ҳисобланади. Чунки шартномада қисман ижро назарда тутилмаган бўлса, кредитор, одатда, қарздордан аввал ҳуқуқбузарликни бартараф этишни талаб қилиши шарт эмас. У таклиф қилинган қисман ижрони қабул қилмаслик билан чекланиши мумкин. Яъни бундай ҳолатда кредиторнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми нисбатан соддароқдир.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Бут бўлмаган товарни етказиб беришда сотувчи харидорнинг товарни тўлиқ бутлаш ҳақидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи нафақат бундай ижрони қабул қилмаслик, балки белгиланган шартлар мавжуд бўлганда шартномани бажаришдан умуман бош тортиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Шартномага мувофиқ бўлмаган қисман ижро таклиф этилган ҳолатда эса кредиторнинг шартномадан бош тортиш имконияти автоматик равишда



вужудга келмайди.

Қисман ижрони қабул қилмаган кредитор шартномани бажаришдан фақат ФКнинг 413-моддасида назарда тутилган умумий асослар ёки муайян мажбурият тури учун қонунда белгиланган махсус асослар мавжуд бўлгандагина бош тортиши мумкин. Шу боис шартнома шартларига мувофиқ келмайдиган қисман ижронинг ўзи, формал-юримдик нуқтаи назардан, шартномадан бир томонлама бош тортиш учун етарли асос ҳисобланмайди.

Бу ҳолатни шу билан изоҳлаш мумкинки, қисман ижронинг таклиф этилиши ҳар доим ҳам шартноманинг жиддий бузилиши сифатида баҳоланмайди. Масалан, қарздорга мажбуриятни муайян вақт оралиғида бажариш ҳуқуқи берилган бўлса ва у шу давр тугамасидан олдин мажбуриятнинг бир қисмини бажаришни таклиф қилса, бундай ҳолатни автоматик равишда муддатни бузиш ёки шартномани жиддий бузиш деб баҳолаш мумкин эмас. Чунки мажбуриятни тўлиқ бажариш учун белгиланган вақт ҳали тугамаган бўлади.

Фикримизча, қисман ижро институтини тўғри баҳолашда икки ҳолатни фарқлаш зарур. Биринчиси – мажбуриятнинг ўз табиатиға кўра бўлинадиган бўлиши; иккинчиси – кредиторнинг шартнома шартларидан келиб чиқиб, мажбуриятни қисмларға бўлиб қабул қилишға мажбур ёки мажбур эмаслиги. Мажбуриятнинг бўлинадиганлиги қарздорға ҳар доим ҳам уни ўз хоҳишиға кўра қисмларға бўлиб бажариш ҳуқуқини бермайди. Агар қонун, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, кредитор шартнома шартларига мос келмайдиган қисман ижрони қабул қилмаслик ҳуқуқиға эға бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, мажбуриятни қисман бажариш, комплекс мажбурият таркибидаги алоҳида ҳаракатларни амалға ошириш ҳамда комплексланмаган товарни етказиб бериш ташқи кўриниши жиҳатидан ўзаро яқин бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий табиати ва оқибатлари бир-биридан фарқ қилади. Қисман ижрода асосий масала мажбурият предметининг бўлинадиганлиги ва кредиторнинг бундай ижрони қабул қилиш мажбурияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлса, комплексланмаган товарни топширишда гап товар сифати ва комплектиға оид шартномавий талабларнинг бузилиши ҳақида боради. Шунинг учун ушбу ҳолатларни бир хил ҳуқуқий режим асосида баҳолаш тўғри эмас.

Мажбуриятни қисмларға бўлиб ижро этишнинг ҳуқуқий режимини тўғри англаш билан боғлиқ яна бир муҳим масала мавжуд. Фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият муносабатлари, айниқса шартномалардан келиб чиқадиган муносабатлар шу билан характерланадики, кўп ҳолларда қарздор зиммасида битта эмас, балки ўзаро муайян даражада боғлиқ



бўлган бир нечта мажбуриятлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда уларнинг ҳар бири асосий шартномавий муносабат доирасида вужудга келса-да, ўзининг предмети, мақсади ва ҳуқуқий оқибатларига кўра нисбатан мустақил аҳамият касб этиши мумкин.

Масалан, пул мажбуриятини ўз вақтида бажармаган қарздор қонун талабларига кўра кредиторга нафақат асосий қарз суммасини, балки кечиктирилганлик учун фоизлар ёки неустойкани ҳам тўлаши лозим бўлади. ФКнинг 327 ва 263-моддалари ана шундай оқибатларни назарда тутати. Амалиётда эса қарздор турли сабабларга кўра, жумладан, ФКнинг 326-моддасини қўллаш орқали неустойка миқдорини камайтириш имкониятини сақлаб қолиш мақсадида, кредиторга дастлаб фақат асосий қарз суммасини тўлашни таклиф қилиши мумкин.

Шундай вазиятда муҳим ҳуқуқий савол пайдо бўлади: кредитор ФКнинг 239-моддасига таяниб, асосий қарз суммасини қабул қилишдан бош торта оладими? Бундай ёндашув тарафдорлари қарздор зиммасидаги умумий мажбурият фақат асосий қарздан эмас, балки фоизлар ва неустойка каби қўшимча тўловлардан ҳам ташкил топганини асос қилиб кўрсатадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, фақат асосий қарз суммасининг таклиф этилиши гўёки мажбуриятнинг қисман бажарилиши сифатида баҳоланиши мумкин.

Юридик адабиётларда ушбу масала бўйича кредитор асосий қарз суммасини, агар унга ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар қўшилмаган бўлса, қабул қилишдан бош тортиши мумкин деган фикр билдирилган. Бундай ҳолда фоизларни ҳисоблаш давом этади ва қарздор бу ҳолатни инобатга олиши лозим бўлади. Ушбу позициянинг ҳуқуқий асоси сифатида ФКнинг 239-моддаси кўрсатилади.

Бироқ мазкур ёндашув баҳсли ҳисобланади. Чунки у ФКда “мажбурият” атамаси ҳар доим бир хил маънода қўлланилмаслигини етарлича ҳисобга олмайди. Фуқаролик қонунчилигида ушбу тушунча кенг ва тор маънода ишлатилиши мумкин. Кенг маънода мажбурият бутун шартномавий ҳуқуқий муносабатни қамраб олади. Масалан, ФКнинг IV бўлими номланишида “мажбуриятлар” тушунчаси ана шу кенг мазмунда ишлатилади.

Тор маънода эса мажбурият қарздорнинг муайян аниқ ҳаракатни амалга ошириш бўйича алоҳида юридик бурчини англатади. Бундай бурч муайян пул суммасини тўлаш, белгиланган миқдордаги ашёни топшириш, ишни бажариш ёки бошқа бир аниқ ҳаракатни амалга оширишда ифодаланиши мумкин. Шу сабабли битта шартнома муносабати доирасида қарздор зиммасида бир вақтнинг ўзида бир нечта мустақил ёки нисбатан мустақил мажбуриятлар мавжуд бўлиши мумкин.



Ҳ.Р.Раҳмонкулов ҳам мажбурият муносабати тузилмасининг мураккаблашуви асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бир қаторда қўшимча ҳуқуқ ва бурчларнинг пайдо бўлишида намоён бўлишини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, бундай қўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосий кредитор-қарздор муносабатига нисбатан ёрдамчи характерга эга бўлади. Кредитор асосий талабдан ташқари, худди шу ҳуқуқий натижага эришишга хизмат қилувчи қўшимча талабларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бундай қўшимча мажбуриятлар асосий мажбуриятнинг мақсадига, масалан, товарни харидорга топшириш ёки пудратчи томонидан буюртма қилинган ишни бажаришга эришишни таъминлашга хизмат қилади.

Ана шу назарий ёндашувдан келиб чиқилганда, асосий қарзни тўлаш мажбурияти билан фоиз ёки неустойка тўлаш мажбуриятини мутлақо бир хил ҳуқуқий бурч сифатида баҳолаш тўғри эмас. Улар ўзаро боғлиқ бўлса-да, предмети ва ҳуқуқий асосларига кўра муайян даражада мустақилдир. Асосий қарзни тўлаш мажбурияти дастлабки шартномавий муносабатдан келиб чиқади, фоиз ёки неустойка тўлаш мажбурияти эса, одатда, мажбуриятнинг бузилиши натижасида вужудга келадиган қўшимча мулкӣ оқибат ҳисобланади.

Шу сабабли қарздорнинг асосий қарз суммасини тўлаш мажбурияти ва унга ҳисобланган фоизлар ёки неустойкани тўлаш мажбуриятини икки алоҳида мажбурият сифатида кўриб чиқиш мантиқан асослидир. Бундай ёндашувда ФКнинг 239-моддаси ҳар бир мажбуриятга алоҳида татбиқ этилиши лозим. Яъни умумий қоидага кўра асосий қарз суммаси тўлиқ тўланиши керак; худди шунингдек, агар неустойка ёки фоиз миқдори қонун ёки суд томонидан камайтирилмаган бўлса, улар ҳам алоҳида мажбурият сифатида тўлиқ бажарилиши лозим.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, кредитор ФКнинг 239-моддасига таяниб, фақат шу сабаб билан, яъни асосий қарз билан бир вақтда фоиз ёки неустойка суммаси ҳам таклиф этилмагани учун асосий қарз тўловини қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки бу ҳолатда асосий қарз мажбуриятининг ўзи қисман эмас, балки тўлиқ ижро этилаётган бўлиши мумкин. Фоиз ёки неустойка эса бошқа, қўшимча мажбурият доирасида талаб қилиниши лозим.

Фикримизча, мазкур ёндашув мажбуриятни қисман бажариш институти билан бир шартнома доирасида бир нечта ўзаро боғлиқ мажбуриятларни бажариш ҳолатларини фарқлаш имконини беради. Агар қарздор битта аниқ мажбуриятнинг фақат маълум қисмини бажарса, бу ҳақиқатан ҳам қисман ижро ҳисобланади. Аммо у бир мажбуриятни тўлиқ бажариб, бошқа алоҳида мажбуриятни ҳали бажармаган бўлса, бу ҳолатни



автоматик равишда қисман ижро деб баҳолаш мумкин эмас.

Шу нуктаи назардан, “қисман ижро” тушунчаси аввало бир аниқ мажбурият доирасида баҳоланиши лозим. Яъни қайси аниқ ҳуқуқий бурч бажарилаётгани ва унинг предмети қай даражада тўлиқ ижро этилгани аниқланиши керак. Акс ҳолда, бир шартномадан келиб чиқадиган барча асосий ва қўшимча мажбуриятларни битта ягона мажбурият сифатида қараш натижасида ҳуқуқий режимларни аралаштириб юбориш хавфи пайдо бўлади.

Бўлинадиган мажбуриятлар, янада аниқроқ айтганда, ижроси бўлинадиган мажбуриятларнинг мавжудлиги уларни бажариш тартиби билан боғлиқ яна бир қатор умумий ва махсус саволларни келтириб чиқаради. Хусусан, ижроси ўз табиатига кўра бўлинадиган мажбурият ҳар доим ҳам қарздор томонидан қисмларга бўлиб бажарилиши мумкинми, деган масала алоҳида аҳамият касб этади.

Фикримизча, бу саволга фақат мажбурият предметининг физик ёки иқтисодий жиҳатдан бўлинадиганлигидан келиб чиқиб жавоб бериш етарли эмас. Мажбуриятнинг ижроси объектив жиҳатдан бўлиниши мумкинлиги қарздорга уни ўз хоҳишига кўра қисмларга бўлиб бажариш ҳуқуқини автоматик равишда бермайди. Бунинг учун шартнома мазмуни, қонун талаблари, мажбуриятнинг мақсади, иш муомаласи одатлари ва кредитор манфаатларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Демак, “ижронинг бўлинадиганлиги” ва “қисмларга бўлиб ижро қилиш ҳуқуқи” тушунчалари ўзаро яқин бўлса-да, бир хил мазмунга эга эмас.

Мажбуриятни қисман бажаришга йўл қўйилмаслиги, агар тарафлар ўртасида бошқача келишув мавжуд бўлмаса, фуқаролик ҳуқуқининг анча қадимдан шаклланган умумий қоидаларидан бири ҳисобланади. Ушбу ёндашувнинг илдизлари Рим хусусий ҳуқуқига бориб тақалади. Рим ҳуқуқи доктринасида ижро мажбурият мазмунига қатъий мувофик бўлиши лозимлиги, шу сабабли қарздор кредиторнинг розилигисиз мажбуриятни ўз хоҳишига кўра қисмларга ажратиб бажариш ҳуқуқига эга эмаслиги эътироф этилган.

Бироқ Рим ҳуқуқи манбаларига бевосита мурожаат қилинганда мазкур қоида мутлақ характерга эга бўлмаганини ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Юлиан асарларида шундай фикр учрайдики, айрим ҳуқуқшунослар ўн бирлик микдоридаги талабни билдирган кредиторни беш бирликни қабул қилиб, қолган қисмини кейин талаб қилишга мажбурлаш мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар. Худди шунингдек, муайян ер участкаси тўлиқ ўзига тегишли эканини даъво қилган шахсни унинг фақат бир қисми бўйича судга мурожаат қилишга мажбурлаш ҳам тўғри эмас, деган қараш мавжуд бўлган. Бироқ Юлианнинг баёнидан претор низо



предметини камайтириш мақсадида даъвогарни таклиф этилган қисмни қабул қилишга ундаши “инсонпарваррок” ёндашув сифатида баҳоланганини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, тарихий манбалар мазкур амалиётнинг қай даражада изчил ва барқарор қўлланганини тўлиқ аниқлаш имконини бермайди. Яъни претор ҳақиқатан ҳам кредиторни қисман ижрони қабул қилишга мажбурлаганми ёки бундай ҳолатлар фақат истисно тариқасида учраганми, деган масала очиқ қолади. Шунга қарамасдан, ушбу тарихий ёндашувнинг ўзиёқ қисман ижрони қабул қилиш масаласи қадимдан мутлақ ва бир хил тарзда ҳал этилмаганини кўрсатади.

Ҳозирги фуқаролик қонунчилиги эса умумий қоида сифатида, агар қонун, шартнома ёки бошқа ҳуқуқий асосларда махсус тартиб назарда тутилмаган бўлса, мажбуриятни қисман қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини кредитор ихтиёрига қолдиради. Амалий жиҳатдан бу қарздор учун қуйидаги ҳуқуқий оқибатни англатади: агар у кредитор билан олдиндан келишмасдан мажбуриятни қисмларга бўлиб бажаришга киришса, кредитор томонидан бундай ижрони қабул қилмаслик ҳуқуқи амалга оширилиши хавфини ўз зиммасига олади.

Бунда кредиторнинг қисман ижрони қабул қилишдан бош тортиши ҳуқуққа мувофиқ ҳаракат ҳисобланади ва у учун салбий ҳуқуқий санкциялар келтириб чиқармаслиги лозим. Чунки мазкур вазиятда кредитор ўзига таклиф этилган ижрони қабул қилмаслик орқали ҳуқуқбузарлик содир этмайди. Аксинча, у қонун томонидан тан олинган субъектив ҳуқуқдан фойдаланади. Шу маънода, кредиторнинг бундай ҳаракати кредитор зиммасига юкланган ижрони қабул қилиш каби ёрдамчи мажбуриятларни бажармасликнинг ҳуқуққа мувофиқ шакли сифатида намоён бўлади.

Р. Циммерманн ҳам мазкур масалага эътибор қаратиб, кредитор қисман тўловни қабул қилишдан бош тортган ҳолда кредиторнинг кечиктириши билан боғлиқ оқибатлар хавфига дуч келмаслигини асосли равишда таъкидлайди. Чунки кредитор қонунга кўра, одатда, фақат лозим даражадаги ижрони қабул қилишга мажбур. Шартнома шартларига мос келмайдиган ёки тўлиқ бўлмаган ижрони қабул қилиш эса унинг умумий мажбурияти доирасига кирмайди.

Шу нуқтаи назардан, кредиторнинг қисман ижрони қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқи мажбуриятни лозим даражада бажариш принципининг махсус ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин. ФКнинг 259-моддасида назарда тутилган ушбу принципга кўра, мажбурият қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартнома талабларига мувофиқ равишда бажарилиши лозим. Агар шартномада мажбуриятни қисмларга бўлиб



бажариш назарда тутилмаган бўлса, қарздор томонидан шундай тарзда амалга оширилган ижро лозим даражадаги ижро сифатида баҳоланмаслиги мумкин.

Бинобарин, мажбуриятни шартнома шартларига зид равишда қисмларга бўлиб бажариш – мажбуриятни лозим даражада бажармасликнинг алоҳида кўриниши ҳисобланади. Шу сабабли кредитор бундай ижрони қабул қилишга мажбур эмас. Аммо бу ерда муҳим жиҳат шундаки, кредиторнинг қисман ижрони қабул қилмаслик ҳуқуқи унга қисман ижрони қабул қилишни тақиқламайди. Яъни кредиторнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий имконияти диспозитив хусусиятга эга: у истаса рад этади, истаса қабул қилади.

Замонавий цивилистик адабиётларда кредиторнинг қисман ижрони қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқининг юридик табиати ҳар доим ҳам алоҳида ва батафсил тавсифланмайди. В.П. Грибанов мазкур ваколатни оператив таъсир чораларининг бир тури сифатида баҳолаган. Унинг ёндашувига кўра, кредиторнинг лозим даражада бўлмаган ижрони қабул қилишдан бош тортиши ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг тезкор ва суддан ташқари амалга ошириладиган воситаларидан бири ҳисобланади.

М.М. Агарков эса кредиторнинг лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортишига бошқача ҳуқуқий тавсиф берган. У бундай ҳаракатларни қонун муайян юридик оқибатларни боғлайдиган, лекин шахснинг иродаси айнан шу оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ёки қаратилмаганидан қатъи назар ҳуқуқий аҳамият касб этадиган ҳаракатлар сифатида баҳолайди ва уларни битимлардан фарқлайди.

Бироқ бу ерда икки хил ҳолатни аниқ ажратиш лозим. Биринчиси – кредиторнинг лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортиши; иккинчиси эса – лозим даражада бўлмаган, жумладан, шартларга мувофиқ бўлмаган қисман ижрони қабул қилмаслиги. Ушбу икки ҳолатнинг ҳуқуқий табиати бир хил эмас. Агар биринчи ҳолат айрим вазиятларда кредиторнинг кечиктириши ёки бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, иккинчи ҳолат, аксинча, кредиторнинг қонуний ҳуқуқини амалга ошириши ҳисобланади.

Қарздор қисман ижрони таклиф қилган ҳолда кредитор уни қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқига эга, аммо бундай рад этиш унинг мажбурияти эмас. Суд амалиёти ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди. Масалан, суд ишлардан бирида сотувчи ФКнинг 329-моддаси асосида харидор томонидан акциялар ҳақини қисмларга бўлиб тўлашни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга бўлганини, бироқ у бундай ижрони қабул қилишга ҳам ҳақли бўлганини ва амалда қабул қилганини қайд этган.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида ФКнинг 329-моддаси мажбуриятни



қисмларга бўлиб бажаришга йўл қўйилмаслиги презумпциясини белгилайди, деган фикр ҳам билдирилган. Мазкур ёндашувга кўра, умумий ҳолатда қарздор мажбуриятни тўлиқ бажариши лозим, қисман ижро эса фақат кредиторнинг розилиги, қонун ёки шартномадаги махсус қоида мавжуд бўлган тақдирдагина мақбул ҳисобланади.

Фикримизча, ушбу презумпциянинг мазмунини кредитор манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Чунки қисман ижро, ҳатто мажбурият предмети объектив жиҳатдан бўлинадиган бўлса ҳам, кредиторнинг иқтисодий ёки ташкилий манфаатларига зид келиши мумкин. Масалан, кредитор учун товарни тўлиқ ҳажмда бир вақтда олиш, белгиланган маблағни тўлиқ тасарруф қилиш ёки муайян иш натижасидан комплекс равишда фойдаланиш муҳим бўлиши мумкин.

Шу сабабли мажбуриятни қисмларга бўлиб бажаришни лозим даражада бўлмаган ижронинг бир тури сифатида баҳолаш, энг аввало, кредитор манфаатларига зарар етказилишининг олдини олишга қаратилган. Агар бундай формал четга чиқиш кредитор манфаатларига таъсир қилмаса, у қисман ижрони қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ҳатто айрим ҳолларда кредитор ўз иқтисодий манфаатининг муайян даражада бузилишига қарамасдан ҳам, амалий мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб, қисман ижрони қабул қилиши мумкин.

Демак, қисман ижрони қабул қилиш ёки рад этиш кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи диспозитив ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлади. Унинг моҳияти қарздорни формал равишда жазолашдан эмас, балки кредиторга шартномада назарда тутилган тўлиқ ижрони талаб қилиш имкониятини сақлаб қолишдан иборат. Амалиётда эса қисман ижро кредитор учун иқтисодий жиҳатдан ноқулай бўлиши мумкинлиги сабабли, унга бундай ижрони қабул қилмаслик ҳуқуқининг берилиши асослидир.

Шундай қилиб, мажбуриятни қисман бажаришга йўл қўйилмаслиги умумий қоида сифатида мажбуриятни лозим даражада бажариш принципининг мантиқий давоми ҳисобланади. Қарздор кредиторнинг розилигисиз мажбуриятни ўз хоҳишига кўра қисмларга ажратиб бажариш ҳуқуқига эга эмас. Айни вақтда кредитор бундай ижрони қабул қилишдан бош тортишга ҳақли, аммо қабул қилишга тақиқланмаган. Шу боис ФКнинг 239-моддаси мазмунан кредитор манфаатларини ҳимоя қилувчи диспозитив механизм бўлиб, уни қўллашда мажбуриятнинг табиати, шартнома шартлари ва қисман ижронинг кредитор учун амалий аҳамияти инобатга олиниши лозим.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гримм Д.Д. Лекции по догме римского права. – М.: 2003. – С. 310.
2. Odinaev A.S. Globallashuv sharoitida fuqarolik-huquqiy javobgarlik: zamonaviy muammolar, ilmiy qarashlar, huquqiy yechimlar // “Falsafa va huquq” ijtimoiy – siyosiy, ma’naviy-ma’rifiy, falsafiy – huquqiy jurnali, 2025 y. – №2. – В. 36-39.
3. Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав // Пределы осуществления и защиты гражданских прав. – М.: 2000. – С. 151, 160.
4. Колобов В., Милкин-Скопец М. Сумма пени не может определяться должником // Российская юстиция. 2000. – № 5. – С. 17.
5. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Тошкен: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 499 б.
6. Почуйкин В.В. Некоторые вопросы уступки права требования в современном гражданском праве // Хозяйство и право. 2000. – № 1. – С. 48.
7. Раҳмонкулов Ҳожи-Акбар. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар) /Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. – Тошкент: ТДЮИ, 2005 й. – 59 б.
8. Новицкий И.Б. Римское право. М., 1993. С. 148; Дождев Д.В. Римское частное право / Под ред. В.С. Нерсисянца. М., 1996. С. 472.
9. Дигесты Юстиниана: Пер. с лат. / Отв. ред. Л.Л. Кофанов. Т. III. М., 2003. С. 37 (стоит однако заметить, что явное отступление от постулата во фрагменте, обозначенном скобками, по свидетельству романистов, относится к интерполяциям, внесенным в текст юстиниановской комиссией (Трибониан) или средневековыми переписчиками)
10. Zimmermann R. The Law of Obligations. Roman Foundations of the Civilian Tradition. Deventer; Boston, 1992. P. 749.
11. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. М., 1997. С. 346.
12. Агарков М.М. Понятие сделки по гражданскому праву // Избранные труды по гражданскому праву: В 2 т.: Т. 2. – М., 2002. – С. 351.
13. Вершинин А.П. Выбор способа защиты гражданских прав. – СПб., 2000. – С. 57.